*ЛОЙИХА-СМЕТА, (КИДИРУВ ИШЛАРИ) ПУДРАТ*

***Шартномаси № 67***

08. 09 2022 йил Бағдод шахарчаси

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Багдод тумани Халк таълим бўлими номидан иш юритувчи рахбар Д.Каримова бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи(Лойихачи)» деб юритиладиган **«Foziljon Project Building» МЧЖ** номидант Низом асосида иш кўрувчи рахбари **У.Юлдашев** иккинчи томондан Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 686-692 моддалари,"Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тугриси"даги, конун хужжатларига асосан мазкур шартномани туздилар.

## 1.Шартнома предмети

1.1. Мазкур шартномага асосан пудратчи **«Фарғона вилояти Бағдод тумани Халқ таълим бўлими карашли 55 мактаб хожатхонасини жорий тамирлаш»** - объекти буйича пешхисоб (смета) ва давлат экспертиза хулосасини тайёрлаш ишларини бажариш.

## 2.Шартнома буйича ишлар киймати

2.1.Мазкур шартнома бўйича пудратчи (лойихачи) томонидан бажариладиган ишлар киймати барча солиқлар, йигимлар ва ажратмаларни уз ичига олган холда бошланғич нархларда **1 900 000 (бир миллион тўқиз юз минг )сўмни** ташкил этади.

2.2.Ишлар киймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик кайта кўриб чикилиши мумкин эмас, куйидаги холлар бундан мустасно: -курилиш кийматини купайтириш енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб булганда;
- Ишлар хажми буюртмачи томонидан узгартирилганда;

2.3.Тегишли асослар мавжуд бўлганда, ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## 3. Пудратчининг мажбуриятлари

3.1.Мазкур шартнома имзоланган кундан ишларнии бошлайди ва-барча ишларни тулик хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб килинган кучлар билан тасдикланган КМК коида ва кулланмалари ва мазкур шартноманинг хужжатларига асосланиб бажаради хама ишни буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топширади; Мухандис билан бажариладиган ишлар боскичларини келишади, бажарилаётган ишлар хакида мухандисга ахборот такдим килади.

3.2.Буюртмачининг рухсатисиз бажарилган ишларни учинчи шахсга бермайди.

## 4. Буюртмачининг мажбуриятлари

4.1.Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

-мазкур шартномани имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда ишларни бажариш учун тегишли хужжатларни далолатнома бўйича пудратчига бериш;

-ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, пудратчидан тугалланган ишларни кабул килиб олишни таъминлаш;

## 5.Туловлар ва хисоб-китоблар.

5.1.Буюртмачи пудратчига тегишли манзилли дастурга асосан маблаг ажратилганидан сунг шартнома бўйича ишлар умумий жорий кийматининг 30 % микдорида авансни ўтказади.

5.2.Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин берилган авансни хисобга олган холда, тегишли манзилли дастур буйича маблаглар ажратилганидан сунг ишлар шартномавий жорий кийматининг микдорида амалга оширилади.

5.3.Пудратчи бажарган ишларга мазкур шартнома бўйича мулк хукукини ўзида саклаб колади. Бажарилган ишлар Буюртмачига топширилгунга кадар тасодифий йўк килиниши ва шикастланиши хавфи пудратчининг зиммасида бўлади.

## 6. Ишларни бажариш

6.1.Буюртмачи бажариладиган ишларга мухандис тайинлайди. Мухандис бажариладиган ишлар боскичларини келишади, пудратчи бажарилаётган ишлар хакида ахборот такдим килади.

-Мухандис Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиклигини текширади.

## 7.Форс-мажор холатлари

7.1.Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса, томонлар бундай мажбуриятларни кисман ёки тўлик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

## 8.Кафолатлар

8.1.Пудратчи: барча ишларни тўлик хажмда сифатли ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини кафолатлайди;

## 9. Томонларнинг жавобгарлиги

9.1.Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун тўланиши лозим бўлган тўлов хаки Буюртмачи томонидан ўз вактида амалга оширилмаса Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўгрисида»ги Қонунининг 32-моддасига мувофик бажарилган ишлар хакини ўз вактида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаган микдорида пеня тўлайди.

9.2.Тарафлар шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддатларини бузганлиги учун айбдор тараф бошка тарафга мажбурият бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи микдорида пеня тўлайди бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар бахосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

9.3 Тарафлардан бири ушбу шартнома буйича бошка мажбуриятларни бажармаган ёки лойиха даражада бажармаган холларда айбдор тараф бошка тарафга бой берилган фойдани кушиб кўрган зарарни коплайди.

9.4. Пеня тўлаш тарафларни мажбуриятларини бажариш ёки бузилиш хукукий бартараф этишдан озод этмайди.

9.5.Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари ва коидаларига, иш хужжатларига мувофик бўлмаса, у холда буюртмачи Давлат экспертизасининг хулосаси асосида ишларни кабул килиш ва унинг учун хак тўлашдан бош тортиб, пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи микдорида жарима ундириш хукукига эга.

9.6.Ушбу шартнома уч нусхала тузилди. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб газначилик бошкармаси (бўлими)да белгиланган тартибда рўйхатдан ўтгандан сўнг конуний кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал килади.

## 10.Коррупсияга карши талаблар

10.1 Ушбу шартноманинг хар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупсияга карши кураш талаблари шу жумладан бу билан чекланиб колмасдан барча амодаги конун ва коидаларга оид шартларни ва талабларни тадбик етилишини ифодалайдива кафолатлайди.

10.2 "Буюртмачи" "Пудратчи"га мазкур шартнома доирасида куйидагиларни кафолатлайдива фуйидагимажбуриятларни хам ўз зиммасига олади. Шартноманинг амал килиш муддати давомида у (шунингдек унинг ходимлари директорлари агентлари ва бошка вакиллари) истеьмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида характ килиб "Пудратчи"нинг коррупсияга карши амалдаги талабларига ва Узбекистон Республикасининг барча қонун ва коидаларига катьий риоя килади.

## 11.Низоларни хал қилиш

11.1.Шартномани бажаришда ва бекор килишда шунингдек етказилган зарарларни коплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суди томонидан кўриб чикилади.

## 12.Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

| **«Буюртмачи»** | **«Пудратчи»** |
|---|---|
| Бағдод тумани Халк таьлим бўлими | **«Foziljon Project Building» МЧЖ»** |
| Манзил: Оқ олтин кўчаси<br>х/р: 23402000300100001010<br>ИНН: 200 158 858<br>Банк: Марказий банк<br>МФО:00014<br>ШХР:100022860262092092100075061 | Манзил: Фаргон ашахар<br>х/р:20208000505325265001<br>ИНН:308045634<br>Банк: Инфин банк<br>МФО:01128<br>ОКОНХ: |
| **Бошлик:__________ Д.Каримова** | **Директор:__________ У.Юлдашев** |

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: EK8377858537

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA BO'LGAN HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi – Pudrat Shartnoma.
2. Loyihaning nomi – Pudrat Shartnoma.
3. Loyiha ishlab chiquvchi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot - Bag'dod tuman Xalq ta'limi bo'limi tomonidan ishlab chiqilib, 2022-yil 8-sentabr kuni elektron tizim orqali kelib tushgan.

Mazkur loyihani o'rganish davomida quyidagilar aniqlandi.

Bag'dod tumani Xalq ta'lim bo'limi nomidan ish yurituvchi raxbar D.Karimova bir tomondan, keyingi o'rinlarda «Pudratchi (Loyixachi)» deb yuritiladigan «Foziljon Project Building» MChJ nomidant Nizom asosida ish ko'ruvchi raxbari U.Yuldashyev ikkinchi tomondan Farg'ona viloyati Bag'dod tumani Xalq ta'lim bo'limi qarashli 55 maktab xojatxonasini joriy tamirlash» - ob'yekti buyicha peshxisob (smyeta) va davlat ekspertiza xulosasini tayyorlash 1 900 000 (bir million to'qiz yuz ming )so'mga ishlarini bajarish ko'rsatilgan

Loyihaga ilova qilingan hujjatlar o'rganliib,

**XULOSA QILAMAN:**

Shartnomaga loyihasi Qonun talablariga muvofiq ishlab chiqilgan.

Markaz boshlig'i N.Ismoilov

**ТАСДИҚЛАЙМАН**
Фарғона вилоят Бағдод тумани ХТБ
мудири _____________ Д.Каримова

08.09.2022 йил Бағдод тумани

Фаргона вилоят Бағдод тумани Халқ таълим бўлими томонидан 22.08.2022 йил кунги лот №22110012141208 билан 55 мактаб хожатхонасини жорий таъмирлаш ишлари учун лойиха смета хужжалари тайёрлаш хамда давлат экспертизасидан ўтказиш ишларини бажариш бўйича давлат харидлари порталига қўйилган эълон якуни бўйича йиғилиш

**Б А Ё Н И № 13**

**Қатнашдилар:** Ш.Ураимов - *Мудир ўринбосари*
Р.Турғунбоев - *Бош мутахассис*
З.Рахматуллаев - *Бош хисобчи*
О.Хайдаров - *Тавар- модий қийматликлар хисоби бўйича гуруҳ рахбари*
А.Абдурахмонов - *Давлат харидлари ва шартномалар бўйича бўлим бошлиғи*

**Энг яхши таклифни танлаш учун келиб тушган таклифлар:**

1. "Foziljon Project Building" МЧЖ
2. "Farg`ona Loyiha Tamirlash" МЧЖ

Йиғилишда, иштирокчилар томонидан келиб тушган таклифлар бахолангандан сўнг 2 иш куни мобайнида мухокамада бўлган. Ушбу муддат ичида иштирокчи корхоналар томонидан хеч қандай эътирозлар келиб тушмади. Юқоридагиларни инобатга олиб комиссия

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

3. Ўтказилган энг яхши таклифни танлашда энг юқори балл тўплаган ғолиб иштирокчи Foziljon Project Building" МЧЖ билан шартнома имзолансин ҳамда энг яхши таклифни танлаш натижалари ҳақидаги маълумотлар (йиғилиш баёни ва шартнома нусхаси) тегишли тартибда Давлат харидларини ўтказиш махсус ахборот порталига жойлаштирилсин.

Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш комиссия раиси зиммасида қолдирилсин.

**Комиссия аъзолари** Ш.Ураимов
З.Рахматуллаев
Р.Турғунбоев
О.Хайдаров
А.Абдурахмонов